

ЧАҒОНЎНЇН

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА ■ 2021 йил 18 феврал. Пайшанба. ■ №7-8 (11653) ■ chagoniyon@inbox.uz ■ 1932 йилдан чиқа бошлаган

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигида ДУНЁ ҲАЗРАТ ПОЙИДА

Улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоийнинг таваллуд айёми халқаро миқёсда кенг нишонланаётган тантанادا илк бор қатнашаётган иштирокчи сифатида жаҳон ҳамжамияти вакиллари қатори Адиблар хиббониди — ҳазрат ҳайкали пойида турар эканман, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари нақадар ҳақлигига яна бир бор амин бўлдим:

“Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий эстетик тафаккуримиз ривожиди алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўз асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намойиш этиб, ер юзидagi миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади”.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиқдин Сайид тантана иштирокчиларини ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги билан қизгин кутлар экан, туркий тил имкониятлари бекиёслигини исботлаб берган буюк мутафаккир ва давлат арбобининг улкан бадиий-илмий мероси жаҳон халқлари тарихида муҳим ўрин тутганини, асарлари ер юзидagi миллионлаб китобхонлар томонидан севиб ўқилаётганини, бобомизнинг юксак бадиий маҳорати, умуминсоний ғоялари мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Ўзбек, афгон халқлари қадим-қадимдан бир макон ва замона ҳамжиҳатликда, дўст-биродар бўлиб яшаганлар, — деди Афғонистон Ислоом Республикасининг Фавқуллода ва мухтор элчиси, жаноб Аҳмад Холид Элмий ўз табрик сўзида. — Ҳиротда туғилиб, халқларимиз маънавияти ва маданияти юксалишига бекиёс ҳисса қўшган ҳазрат Навоийнинг бой илмий мероси нафақат афгон ҳамда ўзбек, балки бутун жаҳон халқларининг умуминсоний мулки ҳисобланади. Ўз даврида ҳазрати Алининг мақбарасини бунёд этган буюк шоир Хуросонда минглаб кўприклар, ҳаммому мадрасалар, рабоблар, шифохоналар, етим-есирлар ва бева-бечоралар учун беҳисоб бошпаналар қурилишида бош-қош бўлиб, илм-маърифат, олиму уламоларнинг, шоиру шуароларнинг ҳомийсига айланган эди. Аини пайтда худди Сизда бўлаётгани сингари Афғонистонда ҳам ҳазрат таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан уч кунлик симпозиум ўтказилмоқда. Ўзбек навоийшунослари, давлат арбоблари билан ҳамкорликда Навоий асарлари қайтадан чуқур тадқиқ этилиб, кўпминг сонли адабларда чоп этилиши кўзда тутилган. Умид қиламанки, халқларимиз ўртасидаги дўстона адабий алоқалар ва биродарлигимиз абадий давом этажак.

(Давоми 2-саҳифада).



Барчага манзур маскан

Шифокорлик дунёдаги шарафли касблардан бири. Бу касб соҳибларининг меҳнати улуғ, хайрли. Уларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашиши эътирофга молик, фидойилиги, жонқурлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Зеро, тиббиёт ходимларининг барча саъй-ҳаракатлари инсон саломатлигини асрашдек эзгу мақсадга қаратилгандир.



Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда нафақат соҳа ходимлари, балки ҳар бир йўл ҳаракати иштирокчисининг масъулияти белгилаб берилган.

Муносиб ҳиссамизни қўшамиз

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишчилик шариоатлар яратиш, шунингдек, барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий маданияти, билим ва малакасини ошириш интизоми мустаҳкамлиги натижасида хизмат ҳудудида йўл транспорт ҳодисалари сонни маълум даражада камайишга эришилди. Албатта, бундай хайрли ишда бўлимимиз ходимларининг муносиб ҳиссаси бор.

Жумладан, жорий йилда туманимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида бир қанча тадбирлар ўтказилди. Бундай тадбирлар давомида автоюшма ва ташкилотларда, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгаришлар ҳақида таълим муассасаларида “Диққат, болалар!” тадбирлари юзасидан аҳолининг кенг қатлами ҳамда ўқувчилар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 1 февралидан 28 февралигача “Ёшлар ўртасида гиёвандликка қарши курашайлик” ойлигини ўтказиш белгиланган. Аини пайтда давом этаётган ушбу ойлик муносабати билан жамоат жойлари, ўқув муассасалари ҳамда маҳаллаларда ёшлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Тарғибот самарадорлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида ҳам чиқишлар қилинмоқда.



Фахриддин ФАЙЗИЕВ,

Денов туман ИИО ФМБ ЙҲХБ катта муҳандиси, сержант.

Саломатлигимиз фидойилари

Мамлакатимизда истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Аиникиса, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини яхшилаш каби жабҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Буларнинг барчаси бугун фуқароларимиз ҳаёти, саломатлиги ва манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётир.

Халқаро экспертлар томонидан бот-бот эътироф этилаётган юртимиз тиббиёт соҳасида эришилган улкан муваффақиятларда тез тиббий ёрдам бўлимлари тизимида фаолият кўрсатаётган саломатлик посбонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

(Давоми 2-саҳифада).

Таъкидлаш керакки, эндиликда имтиёзга эга фаолият турлари 23 тадан 67 тага кенгайтирилди. Норасмий секторда банд бўлган фуқароларимизнинг фаолияти легаллаштирилди. Мобил илова (“Soliq” иловаси) орқали рўйхатдан ўтиш бепул қилиб қўйилди.

Олдин улардан (ВМ-566 сонли қарорга асосан) бир ойга 111.5 минг сўм, 3 ойга 312 минг сўм, 6 ойга 580 минг сўм, 9 ойга 825 минг сўм, бир йилга 1 млн. сўм тўлов ундирилган эди.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар 2021 йил учун 1 базавий ҳисоблаш миқдорини (ёки 245000 сўм) ижтимоий солиқни ихтиёрий тўлаган тақдирда иш бир йиллик иш стажи ҳисобланади ва пенсияга чиққанда пенсия миқдори тайинлашда ҳисобга олинади. Агар улар норасмий секторда ишлаб келганларида, уларга иж-

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасига асосан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилган савдо уйларида, ваколатхоналарда ҳамда ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан йилга базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдориди ихтиёрий тартибда тўланган ҳисобот даври бир йиллик иш стажи ҳисобланади.

Хабарингиз борми?

Пенсияни ҳозирдан ўйланг

тимой нафақа эркаклар 65, аёллар 60 ёшдан тайинланар эди.

Бундан ташқари, сартарош, этиқдўз, аравақаш, тикувчи ва бозорда кунлик даро-



мадга эга фуқаролар томонидан тўловларни амалга ошириш истаги бўлса, “Click” ва “Payme” мобил иловалар ёки жойлардаги банкларнинг мажбуус кассалари орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Х.РАҲМАТУЛЛАЕВ, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Денов туман бўлими бош мутахассиси.

Маҳаллам — уйим

Эртанги кунга ишонч

Хайр-саховат, яхшилик, меҳр-оқибат, силаи раҳм каби улуғ фазилатлар доимо инсонга зийнат бағишлаб келган. Бундай олижаноб хислатларни ўзимда муҳасамма этган инсон эл-юртнинг оғирини енгил қила оладиган фазилатларга эга бўлади.



ортик аҳоли истиқомат қилади. Шундан 485 нафарини ёшлар ташкил этади. Маҳалла раиси Ойсара Халилованинг сазъ-ҳаракати ва ташаббуси билан маҳалла кўчалари ва ариқ четлари тозаланиб, ободонлаштирилди. Баҳор олди йўл четларида турли хилда-

бирга, кучимга-куч қўшади, — дейди Ойсара Халилова. — Таъкидлаш керакки, пандемия халқимизни янада жипслашишга, меҳр-оқибатли ҳамда саховатпеша бўлишга ундади. Давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида қўрилган чоратадбирлар боис ҳеч бир инсон эътибор, ғамхўрлик ва мурувватдан четда қолмади. Бу эса ўз навбатида халқимизнинг меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаб, қийинчиликларни енгил ўтишида муҳим аҳамият касб этди. Юртдошларимиз, ёрдамга муҳтож инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, яхшилик улашиш инсонни икки дунё сاداتига етиштиришини англаб етишди.

Ушбу маҳаллада “Темир дафтарга” киритилган оилалар рўйхатдан чиқарилиб, кўпчилигининг бандлиги таъминланди ва камбағалликнинг олди олинди. Таъкидлаш керакки, “Аёллар дафтари”га 50 нафар “Ёшлар дафтари”га эса 48 нафар, ўғил-қиз киритилган. Шундан 7 нафар ийигит-

қиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кредит олишда, 2 нафар ёш оила уй-жой олишда жипслашишга, меҳр-оқибатли ҳамда саховатпеша бўлишга ундади. Давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида қўрилган чоратадбирлар боис ҳеч бир инсон эътибор, ғамхўрлик ва мурувватдан четда қолмади. Бу эса ўз навбатида халқимизнинг меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаб, қийинчиликларни енгил ўтишида муҳим аҳамият касб этди. Юртдошларимиз, ёрдамга муҳтож инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, яхшилик улашиш инсонни икки дунё сاداتига етиштиришини англаб етишди.

Ушбу маҳаллада “Темир дафтарга” киритилган оилалар рўйхатдан чиқарилиб, кўпчилигининг бандлиги таъминланди ва камбағалликнинг олди олинди. Таъкидлаш керакки, “Аёллар дафтари”га 50 нафар “Ёшлар дафтари”га эса 48 нафар, ўғил-қиз киритилган. Шундан 7 нафар ийигит-

Гули НОЗИМ.

